Ушбу сонда:
2 ИШҚИНГ ИЛА ЯШАЙМИЗ ВАТАН!
3 «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЖИРИНГЛАДИ
4 Ҳикматлар хазинаси ЯШАМОҚ БАХТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2005 йил 18 ноябр, жума № 185 (2026)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ҳамкорлик одимлари*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ

### муносабатлари ўз тарихининг мутлақ янги даврига қадам қўйди

***Истиқлол туфайли Ўзбекистон асрларга татигулик ютуқларга эришди. Халқимиз онги-шуурида ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. Бироқ, худди ана шу ютуқ, муваффақиятни кўролмайдиган ғаламислар оз эмаслигини ҳаёт кўрсатди. Хусусан Андижондаги фожеали воқеалар катта сабоқ бўлди. Ҳозирда ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз шаънига тухматлар ёғдирилаётгани барча-барчамиз ғоятда сезгир ва ўта хушёр бўлишимизни тақозо этмоқда.***

Бугунгидек таҳликали замонда ҳар томонлама ишончли давлатларга таяниб иш кўриш ҳаёт тақозосидир. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг аҳамияти беқиёсдир.

Қувончлиси шуки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишларда тобора ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоиз, бугунги Ўзбекистон ҳамда бугунги Россия кечаги ҳолатдаги давлатлар эмас. Ҳар қайсиси ўзининг узоқ ва давомли стратегик манфаатларини чуқур англаб, тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатишни маъқул кўрмоқда. Демакки, бугун ҳеч ким эски замонга қайтишни истамайди. Эркинлик эпкинларидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, асрий орзуларини рўёбга чиқараётган инсон асло қарамлик ҳолатига қайтишни истамаслиги кундай равшан.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутади. Таъкидланганидек, Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги муносабатларни энг ишончли даражага кўтаради. Ватан ва миллат манфаати кўзда тутилиб, амалга оширилаётган бундай тарихий ишлар халқимизда мамнуният ҳис-туйғуларини уйғотди.

Ҳаётнинг ўзи энг яхши муаллим. Халқларимиз ўртасида анъанавий дўстлик алоқалари мавжуд. Бу алоқалар давр синовидан ўтган. Ҳозирги кунда юртимизда миллий тенглик ва тотувлик гуллаб-яшнамоқда. Она заминимизда яшаб, умргузаронлик қилаётган барча миллат ва элат вакиллари қатори русларга, рус тилига, рус маданиятига бўлган эътибор ўша ошдики, асло камайгани йўқ. Ҳозир Ўзбекистонда 159 мактабда дарслар фақат рус тилида, 603 мактабда эса ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Тошкентдаги рус маданий марказининг вилоятларда бўлимлари ишлаб турибди. Бизда рус тилида 85 та газета ва 52 та журнал нашр этилмоқдаки, бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалда ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳақида гап кетганда, ғурур билан яна қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 267 қўшма корхона фаолият юритаётир ва айни пайтда Ўзбекистонда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Мамлакатимиз Россияга йил сайин кўплаб ипак, газ, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам экспорт қилмоқда.

Биз – «ЎзДЭУавто» машинасозларини ҳам ғоятда қувонтирган омиллар ҳам йўқ эмас. Хусусан, заводимиз маҳсулоти бўлмиш «Нексия» ва «Матиз»га Россияда талаб катта. Улар дўст мамлакат бозоридан эндиликда мустаҳкам ўрин эгаллади.

Фикримизча мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро бир нарсани аниқ-равшан тушуниб олиши керак: жаҳонда Ўзбекистон давлатининг дўстлари кўп. Лекин шу мамлакат бойлигини, тинч, осуда ҳаётини, турли миллат кишилари ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатликни кўролмаётганлар ҳам афсуски кам эмас. Буларнинг ҳаммаси мамлакат раҳбариятидан тегишли чораларни кўришни тақозо этмоқда. Шу маънода Россиядек ҳар томонлама ишончли давлат билан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши биз – машинасозларни ҳам ғоятда қувонтирди. Биламизки, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар нафақат дўстона ва самимий, балки ҳамиша очиқ, ошкора бўлиб келган. Икки давлат раҳбарларининг эркин фикр алмашувлари, тенглик, ўзаро ҳурмат доирасида эканлиги ҳам барчани қувонтиради. Шунинг учун ҳам савдо иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий- техникавий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётир.

Давлатимиз раҳбари Москва сафарига жўнаб кетиш олдидан журналистларнинг саволларига жавоб бериб, бу галги ташрифнинг аҳамиятини батафсил ва атрофлича тушунтириб бердилар. Ўзаро ишончли, манфаатли ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамиша ўз меваларини берган. Биз ишчилар икки мамлакат ҳамкорлигини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Унга жавобан ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаймиз.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш диққат марказида. Жами 10 минг атрофида кичик цехлар фаолият кўрсатмоқда. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан 2,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Инвестициялар биринчи навбатда машинасозлик корхоналарини реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги қувватларни ўзлаштиришга йўналтириляпти. Қаранг, Андижонда эндиликда юзга яқин замонавий қўшма корхона ишлаётгани, уларнинг маҳсулотлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатига шу жумладан, Россияга ҳам экспорт қилинаётгани қувончли ҳолдир. Ишончимиз комилки, икки давлат Президентлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзининг ажойиб меваларини беради.

**Ҳусанбой ЭРМАТОВ,**
**«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси йиғув цехи устаси,**
**Отабек ЁҚУБОВ,**
**ишчи**

## КОМПАНИЯ ОФИСИ ОЧИЛДИ

***Бепоён Устюрт кенгликларида ер ости бойликларини қидириб топиш ва уни ўзлаштириш борасида Ўзбекистон билан Россия ҳамкорликда иш юритмоқда.***

Ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, мамлакатимизда «Зарубежнефтегаз операция компанияси - ГПД Марказий Осиё» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Жорий йилнинг сентябр ойидан россиялик мутахассислар томонидан Устюртда ер ости бойликларини қидириб топиш ва «Шахпахти» газ кони ускуналарини янгилаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Нукус шаҳри марказида компаниянинг янги офиси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган тантанада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов сўзга чиқиб, бундай амалий ишлар икки иттифоқчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янги, юқори поғонага кўтаришда жуда катта аҳамият касб этажагини таъкидлади.

- Оролбўйи ер ости бойликларини қидириб топиш ва уларни ўзлаштириш борасида ҳамкорликда иш олиб бориш режаси 2002 йилдан бери олға сурилаётган эди, - дейди жамият раиси ўринбосари Ю.П.Зеленов. - Мана, ниҳоят аниқ режа асосида иш бошланди. Ўйлайманки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўз самарасини беради.

Офиснинг очилиш маросимида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, вазирликлар ва бирлашмалар раҳбарлари иштирок этди. Тантана қатнашчилари «Дўстлик» гузари яқинида россиялик мутахассислар учун қурилган кўп қаватли уйда яратилган қулай шарт-шароитлар билан ҳам танишдилар.

**(ЎзА)**



*Ўз касбининг усталари*

## МЕТАЛЛУРГ

***Ўрта мактабни олтин медал билан тугатган Раҳмат келгуси тақдирини белгилашда иккиланиб ўтирмади. У болалик вақтларидаёқ отасига ҳавас қилиб, металлург бўлишга қизиқиб қолган эди. Отаси Ниғмат ака ўзбеклардан чиққан энг тажрибали, билимдон инженерлардан бири эди. У ўғлининг азму қарорини эшитиб, хурсандчилигини яширмади.***



Лейтенант Ниғмат Иномов уруш тугаганидан сўнг Нева бўйидаги политехника институтига ҳужжат топширди. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, Бекободга келди ва металлургия заводига ишга кириб, бутун умрини шу соҳага бағишлади. Раҳмат ҳам отаси йўлидан борди.

– Инсон кўп нарсадан ажралиши мумкин. Бироқ, билимни ундан ҳеч ким тортиб ололмайди. Билим инсонга обрў-эътибор, халқига манфаат келтиради, - дея отаси кўп марта такрорлар эди.

Мана, эндиликда дадаси айтганидек, у ҳам билимдон мутахассис, Комбинатда қадр топиб, эл-юртига фойда келтирмоқда. Ўзбекистон металлургия комбинатининг иккинчи навли прокат цехида оддий ишчиликдан меҳнат фаолиятини бошлаган Раҳмат Иномов кўп ўтмай кўпчиликнинг эътиборига тушди. Ишда ота ўгитларига амал қилган ёш муҳандис биринчи навбатда одамларга, ишчиларга меҳрибонлик қилиш ҳаракатида бўлди. Иш ўрнида қулайликлар яратилгани сайин меҳнат унумдорлиги ҳам ортиб боради. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи арзонлашиб борса, бундан корхона ҳам, меҳнаткаш ҳам манфаат кўради. Раҳмат ўз фаолиятида ана шуларга кўпроқ эътибор бера бошлади.

Унинг ҳаракатларига муносиб баҳо берган раҳбарият ҳаракатчан, билимдон бу йигитни Москвадаги политехника институтининг кадрларни қайта тайёрлаш бўлимига ўқишга юборди. Ёш мутахассис 1990 йилда катта калибровкачи, орадан етти йил ўтгач смена бошлиғи, прокат стани катта устаси, 2000 йилда цех бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаб келмоқда.

Цехда белгиланган режа-топшириқлар уддаланаётганида, электр энергия, табиий газ тежалишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, цех меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига асосий масъул бўлган 4 та комплекс бригада ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш бригадаларида якдилликнинг юзага келганлиги, меҳнатга муносабатнинг ўзгарганлиги муваффақиятлар гарови бўлиб келмоқда.

Раҳмат Иномов кўплаб рационализаторлик таклифларининг муаллифи. Унинг таклифи ва бевосита иштироки билан комбинатда янги турдаги маҳсулотлар – 7 хил ҳажмдаги арматура ва айланма профиллар, 6 хил миллиметрдаги олти қиррали пўлат, шунингдек, пайвандланадиган қувур тайёрлаш учун пўлат тасмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу йил июн ойидан иккинчи навли прокат цехида 8 сантиметр ҳажмли швеллер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Республикамиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан мукофотланганлар орасида Раҳмат Иномов ҳам бор. У «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бундан нафақат металлург, балки унинг оиласи, ҳамкасбларининг кўнгли тоғдек кўтарилди. Зеро, фидокорона меҳнат билан эл-юрт ишончини, ҳурматини қозонган инсонлар асло кам бўлмагай.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ҒОЛИБЛАР САМАРҚАНДГА БОРАДИ

Сиҳат-саломатлик йили дастурига мувофиқ ўтказилаётган оммавий кросс мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган ушбу беллашувда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ўқувчилар, меҳнат жамоалари вакиллари қатнашди.

Эркаклар ўртасида биринчи ўрин Нукус тумани вакили Азамат Бегжановга насиб этди. Иккинчи ўринни Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Байрам Қўйлибоев, учинчи ўринни Қорақалпоғистон спорт коллежи ўқувчиси Азамат Қалимбетов эгаллади.

Қизлар ўртасида биринчи ўринни амударёлик енгил атлетикачи Дилноза Мирзиёева қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўрин Олимпия захиралари коллежи ўқувчилари Алфия Сабирова ва Гулсара Ўнгдасиноваларга насиб этди.

Ғолиблар мусобақанинг Самарқандда ўтадиган якуний босқичида иштирок этади.



*Мустақиллик йилларида Фарғона водийсининг қатор шаҳар ва қишлоқларида энг замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган қўшма корхоналар ишга туширилди. Қувончлиси шуки, эндиликда мураккаб технологик жараёнларни маҳаллий ёшлар (суратда) бошқаришмоқда. Улар билим ва маҳоратларини йил сайин ошириб, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.*

**Ш.ОЛИМОВ ва Х.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар**

## МУСОБАҚАЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ БОСҚИЧИ

***Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида уч босқичли спорт мусобақаларини ўтказиш катта самара беряпти. Шулардан бири - мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари» мусобақасининг ҳудудий босқичи бошланди.***

*Қораўзак тумани 1-сонли ўрта мактаб спорт мажмуида бўлиб ўтган волейбол бўйича баҳсларда еттита жамоа иштирок этди. Кескин ва муросасиз кураш остида ўтган мусобақада ўғил болалар ўртасида 8-мактаб ва қиз болалар ўртасида 9-мактаб жамоалари ғолиб бўлди.*

*Ғолиб жамоалар мусобақанинг Қорақалпоғистон босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.*

*Тадбиркорга барча мададкор*

## АСОССИЗ АРАЛАШУВГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

***Бухоро вилоятидаги назорат органлари томонидан 2004 йил ва 2005 йилнинг ўтган 10 ойи давомида ўтказилган текширишлар сони таҳлил қилинганда кейинги йилларда текширишлар сони кескин камаяётганлиги яққол намоён бўлади.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг июн ойидан бугунга қадар ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларни кескин камайтириш, уларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор Фармонлари эълон қилинди. Мазкур Фармонлар тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ҳимоялаш тизими яратилганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиб яхшигина даромад олишларига, турмуш тарзининг яхшиланишига мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидланган Фармон ва қарорлар тадбиркорлик субъектлари билан назорат органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб олган тадбиркорлар энди назорат идораларининг мансабдор шахслари билан бемалол «қонун тили»да гаплаша олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 5 октябрда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини такомиллаштириш, улар сонини кескин камайтириш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида назорат органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтиришга қаратилди.

Мазкур фармонда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан, пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатисиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилишлари кўрсатилган.

Ушбу Фармон асосида текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келади ва назорат органлари томонидан такрорий текширишлар ўтказилишини чеклайди. Энг асосийси, ортиқча асаббузарликларга чек қўйиб, тадбиркорнинг кўпроқ изланишига шароит яратади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган 2005 йил 4-чорак текширишлар белгиланган режага мувофиқ 342 та хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказилиши режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганидан кейин 4-чорак текширишлар режа-жадвали мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб назорат органлари, шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссиялари билан бирга қайта таҳлил қилиб чиқилди. Таҳлиллар натижасида 136 та микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларини 4-чорак текшириш режасидан чиқариш тўғрисида Республика Кенгашига мурожаат қилинди. Ўз навбатида бу 136 та микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларини Республика Кенгашининг қарорига асосан 4-чорак текшириш режа жадвалидан чиқарилди.

Бугунги кунда 2006 йил текширишлар режа жадвалини тузиш жараёни ҳам ушбу фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда ва келгусида тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишлар сонини камайтириш, турли тўсиқ ва суиистеъмолликларга барҳам бериш, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводхонлигини ошириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш барча назорат органлари ва бошқа мутасадди органлар ишининг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак.

**Ў.ТАНГРИЕВ,**
**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Бухоро вилоят ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ - ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Кўнгли ярим, тиббий кўмакка муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш каби савобли ишлар миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Шу сабаб Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ижтимоий муҳофаза мустақилликнинг илк кунлариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган жамият ривожининг устувор тамойилларидан бири сифатида белгиланди.

Ҳукуматимиз ёлғиз кексалар, пенсионер ва тиббий кўмакка муҳтож кишиларнинг ижтимоий таъминоти ва яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса, ногиронларни манзилли ва аниқ йўналтирилган мақсадли ҳимоялаш тизими барпо этилди. Унга кўра, ана шундай кишиларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, уларга мунтазам моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

(Давоми 2-бетда)

*Ислоҳот инсон учун*

# ИШҚИНГ ИЛА ЯШАЙМИЗ ВАТАН!

***Чимбойликлар... Содда, танти, фидойи ва меҳнаткаш кишилар. Истиқлол шарофати билан иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётган Оролбўйининг шимолий тумани халқ хўжалиги барча тармоқларида қувончли ютуқларга эришмоқда.***

"Мойжоп" фермер хўжалиги ҳудудида "Куйик қалъа" қадимий манзилгоҳининг қолдиқлари топилди. Тарихий илдизлари олис мозийга бориб тақаладиган бу кўҳна макон VI-VIII асрларга мансуб бўлиб, 40 гектарлик катта майдонни эгаллаган.

Қўрғонга такрор-такрор ҳужум қилиб, мағлуб этолмаган босқинчилар ўт қўйиб юборганидан сўнг "Куйик қалъа" номини олган. Дарвозасининг пештоқлари доимо нур таратиб турганлиги учун уни "Олтин дарвозали қалъа" деб ҳам аташган.

Авлод-аждодлари ўтмишини ўрганиб, уларнинг урф-одатлари, анъаналарини қадрлаб келаётган чимбойликларнинг қорақалпоқ диёрида ўзига яраша ўрин ва нуфузи бор. Хусусан, "Чимбой момиғи" очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган пахта толаси жаҳоннинг ўндан зиёд мамлакатларига экспорт қилинаяпти. "Чимбоймой" корхонасида экологик тоза ва сифатли ўсимлик ёғи тайёрланаяпти. Ҳозирга қадар 9000 тонна уруғлик чигит, 4000 тонна кунжара ва шелуха истеъмолчиларга тарқатилди. Ибратли томони шундаки, 112 тонна инсон ҳаёти учун фойдали ва парҳезли кунгабоқар мойи тайёрланди. Технологик жараёнлар такомиллашиб, хомашёни қайта ишлашдан катта фойда олинаяпти. Унинг асосий қисми жамоа аъзоларига дивидент сифатида тарқатилаяпти.

Ўтган даврда туманда 6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 2,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, ялпи товар айланмаси 4 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Хусусий тармоқ равнақ топаётганлиги туфайли иқтисодиётда кичик бизнеснинг ҳиссаси кўпайиб бормоқда. Яратилган ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар аҳоли оила бюджетини мустаҳкамлаб, халқ фаровонлигини оширмоқда. Тижорат банкларининг ресурслари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 100 миллион сўмликдан ортиқ, Оролни қутқазиш Халқаро жамғармаси Нукус филиали томонидан 30 миллион, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида Осиё ривожланиш банки маблағларидан 80 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ярим аср мобайнида туман ташкилотларида ишлаган Клара Аллаёрова нафақага чиққанидан сўнг хайрли юмушни бошлади. Бундан олти йил муқаддам хусусий корхона очиб, кийим-кечаклар тикишни йўлга қўйди. Корхонада тайёрланган аёллар кўйлаклари, никоҳ ва юбилейларда кийиладиган либослар, халат ва тўнлар ҳамиша харидоргир. Икки йил илгари лизинг шартномаси асосида замонавий тикув машиналари сотиб олган тадбиркор элликдан ортиқ янги иш ўринлари яратди. Яқинда ишбилармон аёллар Ассоциацияси томонидан 800 минг сўмлик кредит олиб, хусусий корхона фаолиятини кенгайтирди.

"Қизминойим" масъулияти чекланган жамияти жамоаси аҳолига 12 тур бўйича маиший хизмат кўрсатмоқда. Йил бошида 2 та кийим-кечак тикиш, дурадгорлик материаллари тайёрлаш цехи, соат таъмирлаш устахонаси очилди. Жамиятнинг Гулнора Султонова, Тозагул Айтмуротова, Ойжон Мамбетназарова, Тозагул Отабоева, Венера Туримбетова сингари қўли гул тикувчилари меҳнати билан аҳолига 3 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Президентимиз Қорақалпоғистонда бўлганларида оғир синовларни, қурғоқчилик машаққатларини бошидан ўтказиб, муқаддас заминни обод этиш йўлида сабот ва матонат фазилатларини, том маънода қаҳрамонлик намунасини намоён этиб келаётган қорақалпоқ халқининг фидойилигига юксак баҳо берган эдилар. Туманда ўзи туғилиб ўсган ерига чексиз меҳру-муҳаббат ва садоқат кўрсатиб меҳнат қилаётган деҳқон ва чорвадорлар кўпчиликни ташкил этади.

25 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган зироатчилар давлатга дон, пахта сотиш шартнома режаларини ошириб адо этдилар. 410 гектар кунга боқар, 770 гектар ердаги сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. 4200 гектар майдонга экилган кузги дон қийғос униб чиқди.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. "Тонликум", "Ҳурлиман" фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 35-40 центнердан ошган бўлса, "Тозайўл" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Оловуддин" фермер хўжалиги гўшт, сут етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришаяпти. Фермер хўжалиги раҳбари Каримбой Айтмуротовнинг айтишича, тайёрланган маҳсулот шифохона, боғча ва мактабларга етказиб берилаяпти.

Халқи соғнинг-кайфи чоғ, дейдилар. "Сиҳат-саломатлик йили" дастури бўйича ибратли ишлар амалга оширилаяпти. "Иссиқ булоқ" санаторийси ҳақиқий шифо масканига айлантирилган. Сиҳатгоҳ бош врачи Гулойим Рисбоеванинг таъкидлашича, ҳар ойда 50 нафар киши соғлигини тикламоқда. Юрак-қон томир, гинекология ва тери касалликлари йўналишлари бўйича муолажалар ўтказилаяпти.

Нафақат мамлакатимиз, балки Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари фуқаролари ҳам Оролбўйининг иссиқ сувидан даво топишаяпти.

Нафақат дори-дармон, ўзининг ширин сўзи билан беморлар дардига малҳам бўлаётган Гулнора Бекенова, Олмахон Кенжалиева каби ҳамширалар хизмати элга манзур.

Марказий шифохона врачлари ва туман хотин-қизлар қўмитаси мутахассисларидан таркиб топган гуруҳ яқинда олис овулларга бориб, қариялар, туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларни тиббий кўрикдан ўтказди. Тажрибали тиббиёт ходими Нуржамила Жолмирзаева "Ҳамшира" кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни эгаллади.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастурини бажариш соҳасидаги ишлар ибратли. Лойиҳага мувофиқ 16 та мактабни капитал реконструкциялаш, 16 тасини мукаммал таъмирлаш, 7 тасини жорий ремонт қилиш режалаштирилган. Илм масканларини енгил таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 32 миллион 240 минг сўм маблағ ажратилди. 5-, 7- ва 45-умумтаълим мактаблари, 7- ва 29-болалар боғчалари таъмирдан чиқарилди. 38 та мактаб табиий газ билан таъминланди. Ҳомийлар томонидан 300 дан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар тарқатилди.

Туман маркази ва овуллардаги хонадонларда тўю-тантаналар кўпайиб бормоқда. Тўйларда туман маданият ва спорт бўлими ҳаваскор санъаткорлари, фольклор-этнографик дастаси иштирокчилари хизмат кўрсатишади.

Истеъдодли ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. "Олтин мерос" халқаро жамғармаси томонидан ўтказилган кўрик-танловда драматург Д.Абдимуродовнинг "Қари буйдоқлар" спектаклидаги юксак ижрочилик маҳорати учун чимбойлик санъаткорларга соврин ва мукофот берилди. "Тўлқин" фольклор-этнографик ансамбли дилга яқин қўшиқ ва ўланлари, лапарлари, жозибали рақслари билан ўз томошабинларини топган. Ёш санъаткор Ж.Аллаберганов республика "Қўшиқ байрами" совриндори бўлди. Туман марказидаги кутубхонада шоир ва ёзувчилар ижодига бағишланган адабий кечалар тез-тез ўтказиб турилади.

Оролбўйида шаҳар ва овуллар кўп. Улар орасида Чимбой ўзининг иқтисодий салоҳияти, маданияти ва маърифати, кўркам қурилиш ва яратувчилик фаолияти билан алоҳида ажралиб туради.

**И.ИСОМИДДИНОВ**





Шовот пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, бу йилги маҳсулот тайёрлаш кўрсаткичи ўтган йилгига нисбатан бир мунча ошди. Корхонада 488 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма яқин ҳамкорликда уларни ижтимоий муҳофазалаш борасида қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йилда 54 нафар кам таъминланган ходимга 4755 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларга бир маҳал бепул иссиқ овқат берилаяпти. Байрамлар муносабати билан ишчилар ва меҳнат фахрийларига совғалар улашилмоқда. Шунингдек, йил бошидан буён 12 нафар ходим санаторийларда соғлиғини тиклаши учун бепул йўлланмалар билан таъминланди.

**Суратларда: лаборатория ходимларининг иш жараёнидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ОЛОВДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Фориш туманининг Османсой қишлоғида яшовчи Ботир Исмоиловнинг ҳовлисида ёнғин чиқиб, оилага 500 минг сўмлик моддий зиён етди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ёнғинга оғилхонадаги электр узатиш симларидаги қисқа туташув сабаб бўлган.

- Афсуски, йўл қўйилган эҳтиётсизлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик кўпинча қимматга тушади, - дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Абдуазиз Умаров. - Шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида ташкилот ва фуқаролар ёнғиндан 31 миллион сўмликдан зиёдроқ зарар кўрди. Шу боис ҳукуматимиз ёнғиннинг олдини олиш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга доимий эътибор қаратмоқда. Бизнинг вилоятимизда ҳам кейинги йилларда иншоот ва турар жойларда хавфсизлик чоралари кескин кучайтирилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 ноябрдан 15 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказиш тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни янада кучайтиришда ўта муҳим омил бўлади.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилиниб, амалга оширилажак вазифалар белгилаб берилди. Шу кунларда вилоятимиз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари ва аҳоли яшаш жойларида бўлиб, ёнғин хавфсизлиги олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказмоқда.

## ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

***Жиззах давлат педагогика институтида ана шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Бухоро Давлат университети ва Жиззах Давлат педагогика институти олимлари ўз маърузалари билан иштирок этди.***

Анжуманда сайёрамиздаги экологик вазият, бу борадаги глобал муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари, хусусан, мамлакатимизда атроф-мухит мусаффолигини асраш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

- Ушбу тадбирнинг Жиззахда ўтказилиши бежиз эмас, - дейди Жиззах Давлат педагогика институти кафедра мудири Ф.Ахмедшина. - Бу ерда она табиатни асраш бўйича салмоқли ишлар қилиняпти. Ҳозир вилоятда табиий хилма-хилликни асраш борасида иккита давлат қўриқхонаси, битта парк фаолият кўрсатаётир. БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида Нурота-Қизилқум биосфера резервати ташкил этилмоқда.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ - ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

(Боши 1-бетда)

Бугунги кунда республикамизда бир юз етмишта тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари фаолият юритяпти. Улар ҳар йили етмиш мингга яқин ногиронга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. Қарийб етти юз қирқ ўринга мўлжалланган миллий реабилитация марказларида эса ҳар йили ўн уч мингдан кўпроқ ногиронларнинг саломатлиги яхшиланяпти. 2000 йилда юртимизда ортопедия-реабилитация корхоналари ташкил этилгани туфайли протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож кишиларнинг эҳтиёжи деярли тўлиқ қопланяпти.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, ногиронликни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш давлат дастурларини босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш туфайли ногиронлар сонини ўттиз фоиздан кўпроқ камайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилишнинг долзарб муаммоларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий семинарда ана шу масалалар хусусида сўз юритилди. Унда олимлар, шифокорлар, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари ва миллий реабилитация марказлари вакиллари, хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Семинарда тиббий-меҳнат экспертиза хизматлари ва реабилитация марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ногиронликнинг олдини олиш ва даволашга хизмат қиладиган замонавий технологияларни жорий этишда илм-фан олдида турган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Ортопедия-реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, таянч-ҳаракат тизимлари, умуртқа поғонаси хасталикларини даволашнинг самарали усуллари ва воситалари, нейрореабилитациянинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий ва маҳаллий компаниялар маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

**(ЎзА)**

*Замонавий лойиҳа шарофати*

## МУҲИМИ ТЎҒРИ ТАШҲИС

***«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг барча қатламлари саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳамма жойда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам Дастурнинг ижросини бажариш учун барча имкониятларни тўлиқ ишга солиш, мавжуд тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

2005 йилнинг ўтган тўққиз ойида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Фориш ва Ғаллаорол туманларида иккита янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Фориш, Бахмал, Зафаробод, Ғаллаорол, Мирзачўл, Зомин, Зарбдор, Жиззах, Дўстлик ва Арнасой туманларидаги 14 та қишлоқ врачлик пунктларида қайта таъмирлаш ишлари бажарилди.

Сиҳат-саломатлик йилида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали, Пахтакор, Зарбдор ва Жиззах туманлари шифокорларига тиббиётда қўлланиладиган асбоб-ускуналар жамламаси ҳамда «Дамас» русумли махсус хизмат автомобиллари топширилди. Арнасой туман марказий шифохонасига 77270 АҚШ доллари миқдорида Япония гранти ажратилиши ҳам вилоят тиббиётида ўзига хос воқеага айланди.

Жиззах шаҳри марказидаги замонавий лойиҳа асосида бунёд этилиб ўз фаолиятини бошлаган вилоят диагностика маркази ҳам ўзига хос муносиб туҳфа бўлди.

Вилоят диагностика марказига ўз касбининг етук мутахассислари, МДҲ мамлакатлари клиника ва шифохоналарида малака ошириб қайтган мутахассислар ва ўрта махсус тиббиёт ходимларининг катта гуруҳи жалб қилинди. Улар компьютер томографияси, фиброгастродуоденоскопия, электрокардиография, отоскапия сингари 15 хилдан зиёд текширишларнинг аниқлиги учун кафолат беришади.

Яхши ишлар асло чегара билмайди. Чунончи, жорий йилда барча қишлоқ врачлик пунктларини зарур алоқа воситалари ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминлашнинг тўлиқ охирига етказилиши, шу мақсад учун маҳаллий бюджетдан 32 миллион 206 минг сўм ажратилиши кўзда тутилаётир.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Жиззах туманидаги «Чақмоқ» фермер хўжалиги чорвачиликдан яхши фойда кўрмоқда. Хўжаликда 60 бош қорамол, шунча қўй-қўзи боқилади. Чорвачилик маҳсулотлари асосан болалар боғчаларига етказиб берилади. Яқинда бу ерда сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилади. Тумандаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан яна бири - «Умид-98» колбаса ишлаб чиқариш цехини қуриб битказди.***

## ҚИШЛОҚДА ЦЕХЛАР КЎПАЙМОҚДА

Вилоятда чорвачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Жиззах, Зомин ва Янгиобод туманларида яйлов, ем-хашак заҳираси етарли. Шу боис сўнгги йилларда бу туманларда чорвачиликка ихтисослашган фермерлар сафи кенгайиб бораётир.

- Уларнинг умумий сони вилоят бўйича 431 тани ташкил этади, - дейди вилоят фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Ҳамроқул Нишонов. - Бу фермер хўжаликларида 408 минг бош қорамол, жумладан, 169 минг бош сигир боқилмоқда. Фермер хўжаликларида қўй ва эчкилар сони 872 минг, йилқилар 14 минг бошга етди. Йилнинг ўтган даврида 74 минг тонна гўшт, 2304 минг тонна сут, 38 миллион дона тухум етиштирилди.

## ТЕНДЕР - ФЕРМЕРЛАР ТАНЛОВИ

***Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига ихтисослашган фермерларнинг ялпи махсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ортиб бормоқда.***

Ўтган йили зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 56 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил қилинган эди. Фермерлар жорий йилда ғаллачилик ва пахтачиликда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Айни кунларда 12 та тумандаги 40 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар тасарруфидаги экин майдонлари фермерлар ихтиёрига берилмоқда.

- Тендер танловларини ошкора ва адолатли ўтказиш чоралари кўриляпти,- дейди қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш вилоят ишчи комиссияси котиби С.Ҳатамов. - Жойларда қайта ташкил этиш комиссиялари иш олиб бораётир. Фермерликка ер билан тиллаша оладиган, тадбиркор ва фидойи кишиларнинг номзодлари кўрсатиляпти.

Янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўқув семинарлари ташкил этиш, уларни зарур меъёрий ҳужжат ва қўлланмалар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, фермерларга хизмат кўрсатувчи мини-банклар, ёнилғи қуйиш ва минерал ўғит тарқатиш шохобчалари ҳам ташкил этилмоқда.

*Иснод*

# МОЛ ЎҒРИСИ

***Раҳимжон Олмабоевнинг Пахтаобод шаҳар Мустақиллик кўчасидаги тунги навбатчилиги оғир кечадиган бўлиб қолди. Неча кунки, кузатувдаги уй ёнгинасидаги дарахт шохлари орасида ўғирликда гумон қилинаётган шахснинг йўлини пойлайди.***

Юлдузлар чарақлаётган бепоён осмон, кимсасиз кўча. Новдалар орасида гужғон ўйнаётган чивинлар ғашига тегади. Аммо чидашга мажбур. Дарвоза тепасига ўрнатилган электр нури таралаётган эшикка киприк қоқмай тикилади.

Ногахоний шарпа қулоғига чалиниб, бутун вужуди кўзга айланади. Кўп ўтмай, эшик олдида кўланка пайдо бўлди. Энгашиб, ботинкасининг боғичини боғлаётган киши бўлиб, атрофга аланглади ва ўзини эшикка урди. Раҳимжон овоз чиқармай девор паналаб бораркан ёритилган хона ичкарисида турган норғул йигитга нигоҳи тушди.

Кимса устки кийимини ечаётганда, даҳлиз эшиги шарақлаб очилди-ю, катта лейтенант самбо усулини қўллашидан юз тубан ерга қулади.

...Энди воқеани бошидан эшитинг. Бурхон Тошматовни аксарият ойимқишлоқликлар қўй оғзидан чўп олмаган, эл ишига камарбаста, хизматга ҳозиру нозир йигит сифатида эслашади. Тандирфурушлик қилар, ўрни келганда, хонадонларга тандир қуришда хизматини аямасди. Аслида тандир баҳона, кимнинг уйида нима бор, қўй-қўзиси қаерда боқилади, қўраларда қорамол, чорва борми-йўқми ўғринча кўз ташлашини ҳеч ким хаёлига келтирмасди. Шундай «разведка»дан сўнг бир куни ойимқишлоқлик ҳамтовоғи Диёр Аҳмедов тунда фуқаро Одилжон Рўзиматов ҳамда Улуғбек Аҳмедовга қарашли 3 бош қорамолни ўғирлаб, қўшни Қирғизистон Республикасининг Сузоқ туманига олиб бориб пуллаб юборадилар.

Қуёш чиқиш ва ботиш ҳақиқат бўлгандек, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Диёр суд ҳукми билан қора курсига ўтирди, бироқ Бурхон нима учундир панада қолди. Ажабланарли-а? Яна бир гап. Бурхон, Латиф, Нодир Рўзиматовлар бир қориндан талашиб тушган оға-инилар. Тандирфуруш деган ном олишгану аммо тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишни ўзларига эп билишмаган. Машинага тандир юклаб юрган Нодирнинг ҳам нияти бузуқ чиқиб қолди. Натижада Тешиктош қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Деҳқонобод маҳалласидан фуқаро Ғофуржон Мамасолиев жабр кўрди. Нодир олди-сотдини сабаб қилиб ҳовлини обдон кўздан ўтказади. Аслида уни қўрадаги боғлоғлик қорамоллар қизиқтирмоқда эди. Бундан бехабар Ғофуржонлар оиласи Нодирни дастурхонга таклиф қилади.

Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер, деганлар. Аммо Нодир яхшиликка ёмонликни раво кўрди. Туз тотган оиланинг дастурхонига қўлини артиб, мезбоннинг юзига оёқ қўйди. 2005 йил 7 августга ўтар кечаси Ғофуржон аканинг ҳовлисига девор ошиб тушди. Бойлоқда турган бир эмас, 5 бош қорамолни эшикдан ҳайдаб чиқди. Ачинарлиси, ўғирлик жониворларни уйида бир ҳафта асраса-да, на онаси ва на акалари уларни қаердан келтирганлигини сўраб ҳам ўтиришмади. Ҳатто харидор Фарҳод Каримов ҳам сўқим ва говмушлар нега арзон сотилаётганига ажабланмади.

Тандирчи ниқоби остида ўғирликни касб қилиб олган Нодир Рўзиматовдан биргина ойимқишлоқликлар эмас, балки бошқа қишлоқлар аҳли ҳам узоқ вақт жабр кўрганлиги энди маълум бўляпти. Жиноий тўда билан ҳамкорлик қилган Бурхон Тошматов 2002 йили тешиктошлик фуқаролардан бирининг ҳовлисига киши билмас киради. Бойлоқда турган 8 бош қорамолни бостирма остидан ҳайдаб чиқиб бозорда сув қилади. Шу тўданинг аъзоларидан Нодирнинг укаси Хурсанд ҳам маҳалладошлари ўртасида ўзгаларнинг мол-мулкини ўмариб харомхўрлик билан ҳаёт кечиришга ружу қўйган кимсалардан экан. Яқинда у ўғирлик устида қўлга олинди.

Эгриқўллар хонадонларни чув тушириб юраверамиз, «ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолаверади», деб чучварани хом санаган эдилар. Жалақудуқ туманига қарашли Ойим қўрғони ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Ғанижон Абдуллаев бошлиқ тезкор гуруҳ тузилиб, кеча-кундуз қидирув ишлари олиб борилди. Раҳимжон Олмабоев, Насибулла Қаҳҳоров, профилактика инспектори Ҳамидулло Қамбаровлар тўданинг ҳар бир қадамини кузатиб турардилар. Бу борада Пахтаобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг ҳам ёрдами катта бўлди.

Бедор тунлар, халқ билан жонли алоқа, маҳалла фаолларининг кўмаги, синчковлик билан олиб борилган кузатувлар изсиз кетмади. Мақоламиз бошида ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, кўпчиликнинг мулкига кўз олайтирган уюшган тўданинг кирдикорларига чек қўйилди. Пахтаобод шаҳридаги тилга олинган Мустақиллик кўчасининг ўзида 17 та жиноят содир этилганлиги аён бўлди. Савол туғилади: маҳалла фуқаролар йиғини раиси, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигига бевосита жавобгар шахслар – маслаҳатчи, сардорлар қаерга қарашган экан? Чамаси «Сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутиш мутасаддиларнинг қонқонига сингиб кетганга ўхшайди. Акс ҳолда, «қўй оғзидан чўп олмаган» тандирфурушлар бунчалар узоқ вақт панада қолишмас эди.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Излаган имкон топар*





# БИР МАҲАЛЛА ҲУНАРМАНДЛАРИ

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан ташкил этилган навбатдаги ярмаркада Кўпайсин опа Хуррамова томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўпчиликнинг диққатини тортди. Шу куни бир неча турдаги маҳсулотлар намойиш қилиниб, ўз харидорларини топди.***

Китоб туманидаги С.Раҳимов маҳалласида 2782 нафар аҳоли яшайди. Фуқаролар йиғини раиси Бурҳон Худоёровнинг таъкидлашича, ишга яроқли аҳолининг асосий қисми тадбиркорлик ишлари билан машғул бўлиб, ёшларни ҳам ҳунармандчиликка етакламоқда.

Маҳаллада 30 дан ортиқ савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. «Садоқат» хусусий тиббий маскани кишиларга намунали хизмат қиляпти. Шунингдек, битта коллеж, 2 та ўрта мактабда таълим олаётган болалар ўқишдан сўнг вақтларини беҳуда ўтказмасликлари учун тажрибали мутахассислар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда ҳунармандларга бириктилиб, қўшимча касб эгалламоқдалар.

Каромат Рустамова номли кўчанинг 70-уйида истиқомат қилаётган Хуррамовалар хонадони барчанинг эътиборига тушган. Бу бежиз эмас, албатта. Кўпайсин опа ўз маблағи ҳисобидан маҳалла ёшларига тикувчилик сирларини ўргатиб, савобга қолди. Бугун унинг бир неча шогирдлари мустақил равишда иш юритишмоқда.

Тўю-томошаларда, никоҳ кечаларида келин-куёвлар, тўйболалар кийган бежирим либосларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Албатта улар тадбиркор Кўпайсин опа Хуррамова ҳамда унинг шогирдлари қўлида сайқал топган. Майрам Бойқобилова, Мавлуда Узоқова, Зилола Жўраева, Хуршида Эргашева сингари чеварлар опанинг шогирдлари.

– Фарзандларим Манзурахон, Шуҳрат, Дилшод, Тўлқинжонлар ҳам касбимизни мукаммал эгаллаб олишган, – дейди опа хурсандчилик билан. – Уйда тайёрлаган либосларнинг бозори чаққон. Турмуш ўртоғим Эркин Назаров маҳсулотлар савдоси билан банд.

Дарвоқе, юртимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳаётбахш Фармонлар ижроси ила фаолият юритаётган тадбиркорлар иши бугунги кунда барчани бирдек хушнуд этмоқда. Кўпайсин опа Хуррамовага меҳнат бўлими томонидан касбга ўқитиш бўйича имконият берилганлиги натижасида 15 нафар чеварни малакали мутахассис қилиб тайёрлади.

Маҳалланг тинч—сен тинч, дейдилар. Қиём Бурхонов, Пўлат Қурбонов, Бурҳон Абдиев, Аваз Қурбонов сингари оқсоқоллар маслаҳатларига доимо амал қилган ёшлар кам бўлмаяптилар.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Суратларда: маҳалла чевари Кўпайсин Хуррамова; маҳалла оқсоқоллари Аваз Қурбонов, Бурҳон Худоёров ва Бурхон Абдиевлар.***

# БАЛЛИ ҲАМШИРА!

***«Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳам дастурий режа белгилаб йил давомида уларни амалга ошириш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширди.***

Жумладан, куни кеча Бекобод шаҳридаги металлургия комбинати маданият саройида Тошкент вилоятидаги санаторий-профилакторийлар ҳамширалари ўртасида «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилди.

Даставвал танловнинг жами етти иштирокчиси ўзини турли тарзда таништирди. Бунда айниқса, «Оҳангаронцемент» АЖ профилакторийси ҳамшираси Гулчеҳра Соҳибова ҳамда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати профилакторийси ҳамшираси Нигора Отабоеваларнинг шеърий йўсиндаги жавоблари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Танловнинг кейинги шарти тиббиётга оид савол-жавоблар асосида ўтказилди. Аниқроғи, ҳар бир иштирокчи чекига тушган билетдаги саволларга жавоб қайтарди. Айнан шу нуқтада ҳакамлар ҳайъатининг жиддий эътибори, синчковлиги юзага чиқди. Зотан, ҳар бир иштирокчининг зукколиги ва маҳорати берган жавобида ўз аксини топди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда иштирокчиларнинг турлича шакллардан

*Тадбир*

фойдаланганликларидан ташқари саҳна кўриниши орқали йиғилганларга намойиш этдилар.

Ҳамширалар бўш вақтда нималар билан шуғулланишади? Иштирокчиларнинг ишдан ташқари машғулотлари ва қизиқишлари якунловчи қисм сифатида ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларга тақдим этилди. Шу ўринда битта фикир. Иштирокчиларнинг қай бири жўшиб қўшиқ ижро этди, бошқаси эса шалоладек қувнаб рақсга тушди... Шу каби саволларга жавобни улардаги завқу шавқдан англаб олиш қийин эмас эди.

Кўрик-танлов ҳам ниҳоясига етди. Умумий баллар эълон қилиниб, ғолиблар аниқланди. Унга кўра биринчи ўринга «Аммафос» АЖ профилакторийси ҳамшираси Юлия Прокудина лойиқ деб топилди. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати профилакторийси ҳамшираси Нигора Отабоевага иккинчи, «Оҳангаронцемент» АЖ профилакторийси ҳамшираси Гулчеҳра Соҳибовага учинчи ўрин берилди.

Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Муҳайё Тўлаганова танлов иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқларни топширди.

**Ш.МУСАЕВ**

*Ҳикматлар хазинаси*

***Антик дунё мутафаккирларидан Пифагор эрамиздан олдинги 580-500 йилларда яшаган. Пифагор энциклопедик олим ҳисобланиб, фаннинг жуда кўп соҳаларига муносиб ҳисса қўшган алломадир. «Пифагор теоремаси» номининг ўзиёқ унинг илмий салоҳияти машҳури жаҳон эканлигини билдириб туради.***

# ЯШАМОҚ БАХТИ

Пифагор файласуф олим сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Алломанинг панд-насиҳатлари ҳамон инсониятга хизмат қилиб келаяпти. Фикрлар лўнда, айни вақтда пишиқ, мазмунлидир. «Ё сукут сақла ёки сукутдан тузукроқ бирон нарса гапир, – деганди аллома». Бизда ҳам шунга ўхшаш ҳикмат бор: «Сукут ҳам ҳикматдир». Дарҳақиқат, бемаза гапириб даврадагиларнинг асабига теккандан, ёнидагиларнинг энсасини қотиргандан жим турмоқ юз карра, минг карра афзал. Аччиқ тилни илон заҳрига ўхшатишлари бежиз эмас. Тиғ жароҳатини битказиш мумкин, тил жароҳатини тузатиш амримаҳол. Чунки ширин тил– жон озиғидир.

Доно халқимиз «беайб Парвардигор» дейди. Ҳаммада айб бўлиши мумкин, бировда кўпроқ, бировда озроқ. Кимда-ким камчилигини билиб, англаб тузатишга киришар экан, бу ақллиликдан нишонадир. Инсон ақли – мўъжиза. Унинг куч-қудрати беқиёс, чегарасиздир. Кашфиётлар ҳам ақл туфайли, ихтиролар ҳам ақл мевасидир.

«Худди доно тарбиячидек бутун умр фақат ақлгагина ишонмоқ керак, – деганди аллома». Фикрини давом эттириб, Пифагор яна шундай дейди: «Ҳамма нарсани тадқиқ эт, ақл-идрокка биринчи ўринни бер». Чунки ақл алдамайди, у ҳамиша ҳақ.

Муқаддас китобларда ҳам, илоҳий йўриқномаларда ҳам ақлнинг мукаммаллиги, шу боис одамнинг бошқа жонзотлардан устунлиги алоҳида қайд этилган. «Ҳайкални кўриниши, одамларни эса қилган ишлари безайди, – деганди Пифагор». Чиндан-да, одамларга қилган ишлари обрў-эътибор, шон-шараф келтиради. Эл-юрт олдида юзини ёруғ қилади.

«Эрталаб ўрнингдан туриб ўзингдан нима иш қилишим керак, кечқурун ётишдан олдин эса, нима иш қилдим дея сўра, – деганди Пифагор». Ушбу ҳикмат кишини беихтиёр сергаклантиради, ўйга толдиради. Ушбу панднинг аҳамияти ўзгача. Юртбошимиз айтганидек, «Савобли ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак». Ўз фарзандлик бурчимизни оқлашнинг ягона тўғри йўли мана шу, ўзгача йўлнинг бўлиши мумкин ҳам эмас.

«Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин душманларинг дўстга айлансин, – деганди Пифагор». Бунинг бирдан-бир йўли мулойимлик, босиқлик, кечиримлиликдир. Дўстларинг билан самимий, дилдан муомалада бўлсанг, дўстларингга хиёнат қилмасанг, олам гулистон. Мингта дўстинг бўлса ҳам оз, битта душман кўпдир, деган ҳикматга амал қилинса ҳеч ким аборлик кўрмайди, ҳаёти маъно-мазмунга тўлади.

Оила инсониятнинг гултожиларидандир. «Эр-хотин қўш ҳўкиз», дейди доно халқимиз. Бокираларга алломанинг ажойиб ўгити бор, қулоқ тутинг: «Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдагидек роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин».

Одамзот ҳазил-мутойибасиз, кулгу-аскиясиз яшай олмайди. Аммо унда ғазабноклик ҳам бор. Мана Пифагор нима дейди: «Ғазаб қўзиганда гапириш ҳам, нимадир қилиш ҳам керак эмас». Доно халқимизнинг «Жаҳл чиқса ақл кетади» деган сўзларига нақадар мос. Бинобарин аччиқ чиққанда, ғазаб қўзиганда одам яна ва яна ақлга суяниши, ақл билан иш кўриши керак. Халқимизда яна бир калима борки, унинг маъноси ҳам алломанинг фикрини тўлдиради. «Ғазабинг келса қирққача сана, чидай олмасанг юзгача». Ёки бўлмаса ушбу жумлаларга эътибор беринг. «Аччиғинг чиқса ўтириб ол, бўлмаса ётиб ол». Ҳисоблашишга, амал қилишга арзийдиган ҳикмат.

Пифагорнинг ўлмас мероси мана юз йилдирки, фақат эзгуликка, яхшиликка хизмат қилиб келяпти. Биз эса унга амал қилсак кифоя.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**профессор**

# «ТОҒЛАРДА МЕНИНГ ҚАЛБИМ»

Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида «Тоғларда менинг қалбим» деб номланган кўргазма очилди. Унда уч мусаввир - Римма Гаглоева, Вера Нечаева, Дилюс Мурсалимов асарлари намойиш этилмоқда.

Жаннатмонанд юртимизнинг бетакрор табиат манзаралари мусаввирларимиз ижодининг доимий манбаи бўлиб келган. Ушбу мавзу унга ҳар бир мусаввир ўзига хос тарзда ёндашиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Р.Гаглоева «Тоғлардаги кўл», «Оқшомги Сўқоқ» каби картиналарида она табиат манзараларини сокин тарзда ва қуюқ рангларда ифодалаган. В.Нечаеванинг «Чимён», «Манзара», «Ёзги Чорвоқ» каби асарларида эса табиат ҳодисалари моҳирона акс эттирилган. Д.Мурсалимовнинг кўргазмадан жой олган «Тонгда», «Даралар», «Хоразмда» номли асарлари ёрқин рангларга бойлиги, картиналарнинг бир-бирини такрорламаслиги билан санъат мухлислари эътиборини тортади.



# МУЗЕЙДА КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

***Воҳа тарихига оид минглаб экспонатлар, улкан аҳамиятга молик ноёб ҳужжатлар сақланаётган Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонасига нафақат мамлакатимиз, балки хориждан ҳам кўплаб тадқиқотчилар мурожаат этиб, тегишли маълумотлар олади. Музейда ташкил этилган «Очиқ хазина» компьютер маркази уларнинг талабини қондиришда қўл келмоқда.***

Ҳозирги пайтда музей коллекцияларининг электрон каталогини яратиш ишлари давом этмоқда. Бугунга қадар мазкур каталогнинг эллик минг экспонатни ўз ичига олган икки жилди тайёрланди.

Бухоро давлат тарих музейида илғор ахборот технологияларини жорий этиш тажрибаси республикада алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси ташаббуси билан семинар-кенгаш ўтказилгани ҳам шундан далолат беради.

«Музейлар фаолиятида янги ахборот технологиялари» мавзуидаги бу анжуманда мамлакатимиздаги тарих, археология, ўлкашунослик, санъат, бадиий меъморчилик давлат музейлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуман доирасида янги ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари ва ечимлари мавзуида давра суҳбати ўтказилди, унда бу борада илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**(ЎзА)**

*От изини той босар*

***Бокс бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси Қозоқбой Бобожонов Оролбўйининг Назархон овулида камол топган. Ота-онаси билан 1969 йилда Нукусга кўчиб келганларида ўн беш ёшли ўсмир доимий равишда спорт билан шуғулланишга киришди. Қорақалпоқ боксининг тамал тошини қўйган ташкилотчи ва ташаббускор мураббий Максет Гинаятов раҳбарлигида машғулотларда фаол қатнашди. Кейинчалик Бекмурот Жумамуротов мураббийлигида машқ қилиб, ёшлар ўртасида Нукус шаҳри чемпионлигини қўлга киритди.***

# РИНГДА ОРОЛБЎЙИ БОКСЧИЛАРИ

Орадан йиллар ўтди. Жисмонан соғлом, баркамол қорақалпоқ йигити Бокудаги нефт-газ ва химия технологияси институтига ўқишга кирди. Талабалик даврида маҳоратини ошириб Москва, Одесса, Перм, Томск шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, чаққон ва дадил ҳаракатлари билан тилга тушди.

Олийгоҳни битириб, 1975 йилда она юртига қайтиб келган қорақалпоқ ўғлони иш жараёнида ҳам спортни тарк этмади. Мамлакат, республика ва шаҳарлараро мусобақаларнинг ҳақиқий ғолибига айланди. Боксчилик фаолиятини 51 килограм вазнда бошлаган Қозоқбой Бобожонов улғайиб, 82 килограммли спортчилар билан беллашди.

Кучли ва ҳужумкор кураш услубига эга тажрибали боксчи ўтган даврда ўнлаб иқтидорли шогирдларни тарбиялаб вояга етказди. Бугунги кунда улар устозлари изидан бориб, қорақалпоқ бокси шуҳратини оламга ёймоқдалар. Максет Абдирайимов, Абилбой Ниёзов, Марат Нурикеев, Мурат Ўтегенов, Торибой Ибрагимов, Марат Фозиловлар халқаро беллашувларда энг кучли боксчилар сифатида тилга тушган. Яқинда улар сафига истеъдодли мураббий Рашит Сейитовнинг шогирди, ёшлар ўртасида Осиё чемпионлигини қўлга киритган Алибек Крабоев ҳам қўшилди. Чемпионлик йўли қийин ва машаққатли кечади. Алибек мамлакат терма жамоасини таркибида мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрди. У Маҳачкалъада ўтказилган турнирда 69 килограмм вазнда муваффақият қозонди.

Йигирма ёшга қадам қўйган спортчи болаликдан бокс билан шуғулланади. Бундан ўн йил муқаддам ёшлар ўртасидаги мамлакат бокс чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Иқтидорли боксчининг қобилиятини сезган Ўзбекистон терма жамоасининг катта тренери Мансур Маҳмудов уни республика олимпия заҳиралари коллежига таклиф этди. Назарий билимларни амалда мустаҳкамлаган А.Крабоевнинг маҳорати ошиб бораяпти. 2003 йилда Бухарест турнирида бронза медалини қўлга киритди. 2004 йилда Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни эгаллаб, Боку, Донецк, Львов, Ногинск шаҳарларида ўтказилган халқаро мусобақаларнинг совриндори бўлди.

Устоз ва шогирд ўртасидаги алоқа узилгани йўқ. Алибекнинг биринчи мураббийи Рашит Сейитов, республика бокс мактаби тренери Собит Иргизбаев ёш спортчининг ҳужумкорлиги ва шижоати, рингда ўзини тута билиши, ғалабага ишончига юксак баҳо берадилар.

— Спортнинг мураккаб турида ўзини кўрсатаётган ёшлар кўпайиб бораётганлиги қувончли, - дейди Қорақалпоғистон республикаси бокс федерацияси президенти Азамат Султонмуродов. — Уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпмиз. Бошқа спортчилар қатори Алибек ҳам 2008 йилдаги олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Устозлар орзулари амалга ошаяпти. Оролбўйида Одилбек Хўжамуродов, Султон Алланазаров, Шароф Айтбоев, Исо Турсунбоев, Руслан Аметов сингари маҳоратли боксчилар камол топмоқда. Ёш спортчилар мураббийлар ишончини оқлашига шубҳа йўқ.

**Н.НИШОНОВ**

# ТАБИИЙ ГИЁҲЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН

Фан ва техника тобора ривожланаётган давримизда тиббиёт соҳасида ҳам кўпгина янги даволаш усуллари ва воситалари ихтиро этиляпти. Бундай янгиликлар, айниқса, болалар ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Чунки, ҳали гапириш, ўз вужудида кечаётган жараённи тасвирлаб бериш имконияти бўлмаган кичкинтойларга ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш нафақат шифокорлар, балки ота-оналар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бола вужуди табиатан нозик бўлганидан салгина ташқи таъсир ҳам унинг соғлигига зиён етказиши мумкин. Масалан, эмлаш пайтида оғиз орқали кирган озгина ҳаво ҳам бола қорнини дам қилади. Ёки эмизикли она қоринда дам ҳосил қиладиган маҳсулотларни меъёридан ортиқ истеъмол қилса, айниқса бола сунъий усулда овқатлантирилса, бу ҳол кўпроқ кузатилади. Бундай пайтда кичкинтой қорнида оғриқ пайдо бўлиб, уни безовта қилади.

Ҳозир Германияда ишлаб чиқарилган «Бебинос» препарати бу борада жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётир. Табиий гиёҳлардан тайёрланган мазкур препарат бир ёшгача бўлган болаларга бир кунда уч маҳал 3-5 томчидан ичирилади. «Бебинос»ни бола овқатига ёки ичимлигига аралаштириб берса ҳам бўлади. Тажрибалар ушбу шифо воситаси бола соғ-саломат камолга етишида яхши самара беришини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, кичкинтойларнинг илк тишчалари чиқаётган пайтда ҳам уларда муайян безовталаниш кузатилади. Бундай пайтда «Дентинокс Н» дориси унга ёрдам беради. Гель кўринишидаги ушбу дорини стерилланган пахта ёрдамида, тиш ёриб чиқаётган жойига суриб қўйилса боланинг аҳволи дарров ўнгланиб кетади.

Қарийб ўн йилдан буён жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётган «Дентинокс Н» препарати таркибида мойчечак дамламаси ва тинчлантирувчи моддалар концентрацияси бор. Шу боис педиатрлар уни кўпинча оғриқ қолдирувчи восита сифатида ҳам тавсия этишади.

**Мавлуда ТАБИБОВА,**
**шифокор**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Мирмаҳмудович Содиқовга волидаи муҳтарамаси

**МАВЖУДАХОН** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Марказий Кенгашнинг Наманган вилояти Вакиллиги ташкилий ишлар бўлими мудири Дилором Жўрабоевага онаси

**САНОБАРХОН** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7252 Буюртма Г— 116

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.25

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456